Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
11 август
ШАНБА
№ 63
(12.491)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

## МИНИ ЦЕХЛАР АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

**Мустақилликнинг 21 йиллиги арафасида туманда битта гузар, иккита тўйхона, 18 та дўкон, 3 та озиқ-овқат ва қурилиш моллари цехи қуриб, фойдаланишга топширилди.**

Ўзбекистон қишлоғидаги "Қосимжонов Аҳрор" хусусий фирмаси ҳам яқинда ишга тушди.

– Йилига 110 тонна макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган цехимизга 30 минг АҚШ доллари атрофида инвестиция жалб қилиб, хориждан технология келтирдик, – деди цех раҳбари А. Қосимжонов. – Ҳозир бу ерда 5 нафар ходим меҳнат қилмоқда.

**Бекзод ҲИДОЯТОВ.**

БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ

## МАКТАБДА ДАВРА СУҲБАТИ

**44-умумтаълим мактабида "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан" шиори остида давра суҳбати ўтказилди. Унда Нанай қишлоғи аҳли иштирок этди.**

Туман хотин-қизлар қўмитаси, маънавият-маърифат маркази ҳамда "Бўстонлиқ овози" газетаси ҳамкорлигида ташкиллаштирилган тадбирда мустақиллик байрамини муносиб кутиб олиш, маҳалла-қишлоқларда ободонлаштириш ишларини янада жадаллаштириш хусусида сўз борди.

**Илмира НОРБЎТАЕВА.**

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

## МУСОБАҚАДА МАҲАЛЛА ВАКИЛЛАРИ

**2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида маҳаллалараро спорт мусобақаси уюштирилди.**

Ўсмирлар ҳамда уй бекалари ўртасидаги мусобақада "Қорасув", "Иттифоқ", "Наврўз", "Дўстлик", "Чирчиқ", "Ўзбекистон" маҳаллалари вакиллари иштирок этди.

Қатнашчилар спортнинг футбол, волейбол, стол тенниси каби турлари бўйича иқтидорларини намойиш этдилар.

Ғолиб ва совриндорларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Индира ҚЎЗИЕВА.**

ЧИНОЗ ТУМАНИ

## ИШЛАШ ИСТАГИ БЎЛСА...

**Туманда меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Ярмаркага 281 нафар ишлаш истаги борлар ташриф буюрди.**

120 га яқин корхона ва ташкилот 500 дан зиёд бўш иш ўринларини таклиф этди.

Туман ҳокимлиги, прокуратура ҳамда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази ҳамкорлигида уюштирилган ярмаркада 167 киши ўзлари истаган жойда ишлаш учун йўлланма олдилар.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ



# УНУМДОР ЕРЛАРДАН САРХИЛ МАҲСУЛОТ

**Оҳангарон туманидаги Телов фермерлар уюшмасининг ерлари нисбатан унумдор. Шу боис фермер хўжаликларининг аксарияти кўптармоқли, юқори ҳосилли.**

Бу йил 953 гектарли сувли майдонлардан уюшма бўйича ўртача 45-50 центнердан хирмон кўтарилди. 300 гектардаги лалми буғдой ҳам 15-20 центнердан ҳосил тўкди. Давлат эҳтиёжлари учун ғалла топшириш шартнома мажбуриятлари ортиғи билан бажарилиб, фермерлару ижарачиларнинг меҳнатлари ҳам муносиб қадр топди.

Уюшма фермерлари ғалладан бўшаган майдонлардан иккинчи ҳосил олишни яхши ўзлаштиришган. Бу хўжаликларга яхшигина қўшимча даромад келтираяпти. Даромад эса ҳамма нарсанинг асоси. Биринчидан, фермерлар даромаднинг салмоғига қараб, тармоқларни кенгайтирадилар, моддий-техник базани мустаҳкамлайдилар. Иккинчидан, оддий деҳқонларнинг рўзғорига барака кириб, турмушлари фаровонлашиб боради.

– Айрим уддабурон фермерларимиз кунгабоқар ва маҳзар экиб, ҳосилини ёғ-мой комбинатларига топширишни йўлга қўйишди, – дейди уюшма раиси Облоқул Турматов. – Ҳозир улар 95 гектар майдондаги кунгабоқар ва 35 гектардаги маҳзар ҳосили юзасидан Янгийўл туман ёғ-мой комбинати билан шартнома тузиб қўйишган.

"Абдулла-Холтожи" – тумандаги йирик фермер хўжаликлардан бири. Ери – 41 гектар. Ҳозир далаларда маккажўхори, картошка, пиёз ва бошқа сабзавот экинлари парваришланмоқда. Шунингдек, 3 гектардаги кунгабоқар ҳам дуркун ривожланмоқда.

– Маҳсулотларимизни Оҳангарон, Ангрен, Олмалиқ деҳқон бозорларига шартнома асосида етказиб бераяпмиз, – дейди фермер Холтожи Худойбердиева.



**СУРАТЛАРДА:** (ўнгдан) уюшма раиси Облоқул Турматов, "Абдулла-Холтожи" фермер хўжалиги раҳбари Холтожи Худойбердиева, "Мафтуна-Аҳрор-Файз" фермер хўжалиги бошлиғи Собиржон Содиқов; деҳқонлар ҳосил чўғидан мамнун.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

2012 ЙИЛ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

## ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР МЕДИА-ОРОМГОҲИ

**Қибрай туманидаги "Умид гулшани" сиҳатгоҳида "Навқирон журналистлар" медиа-оромгоҳи ўз ишини бошлади.**

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида ўтказилаётган мазкур тадбир Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, Журналистлар ижодий уюшмаси, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Конрад Аденауэр жамғармаси, ЕХҲТ ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, фаолияти самарадорлигини кучайтириш, миллий ахборот маконини изчил равнақ топтириш юзасидан кенг қамровли вазифалар белгилаб берилган.

Соҳанинг ҳуқуқий асослари такомиллашиб, илғор замонавий ахборот-коммуникация ва рақамли технологиялар жадал жорий этилмоқда. Медиа тузилмаларга кенг имтиёзлар бериш, журналистлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, малака ва маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида таниқли мутахассислар, олим ва экспертлар иштирокида ташкил этилаётган ўқув-машғулотлари ёш журналистларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

"Мустаҳкам оила – жамият таянчи" мавзуида ўтказилаётган мазкур медиа-оромгоҳда "Форум-ТВ", ЎзНТТ телеканаллари, ёшлар телестудиялари, Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ахборот марказлари, ҳудудий телестанциялар раҳбарлари, журналистлар ва техник ходимлар, реклама менежерлари, дизайнерлар, нодавлат радиостанцияларнинг бош муҳаррирлари иштирок этмоқда.

Ўн кун давом этадиган медиа-оромгоҳ машғулотларида иштирокчилар ахборот соҳасига оид миллий қонунчиликни атрофлича ўрганадилар. "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг жойлардаги ижросини таъминлашга оид телерадиоматериалларни жамоатчиликка чуқур таҳлилий ёндашув асосида етказишга оид вазифалар белгилаб олинади. Айни пайтда юртимизнинг тажрибали журналистлари, ҳуқуқшунос ва олимлари, маънавият тарғиботчилари ҳамда Франция, Германия, Ҳиндистон сингари давлатларнинг экспертлари иштирокида ташкил этиладиган ўқув-семинарлар давомида илғор техника ва технологиялардан самарали фойдаланиш, телерадиомаҳсулотларнинг зарур стандартлари каби долзарб масалалар батафсил муҳокама этилади.

– Президентимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригида журналистларнинг ўз фаолиятига чуқур танқидий-таҳлилий асосда ёндашуви, касбий малака ва маҳоратини ошириб бориш йўлида тинимсиз изланиши зарурлиги алоҳида таъкидланган, – дейди Сурхондарё вилояти "Ишонч-ТВ" телеканали мухбири Элёр Гўрўғлиев.– Мазкур семинар машғулотлари давомида ўзига хос ижодий ёндашув, чуқур таҳлилий асосдаги материалларни тайёрлашга доир тажрибалар билан танишяпмиз. Назарий ва амалий билимимизни мустаҳкамлаяпмиз.

Машғулотларда иштирокчилар Қибрай туманида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига тайёргарлик, оилаларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш юзасидан амалга оширилаётган ишларга оид туркум материаллар тайёрлайди. Анжуман доирасида турли маданий-маърифий дастурлар, концертлар, спорт мусобақалари ҳам ўтказилади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

БУГУННИНГ ГАПИ

# ҲОСИЛ УЧУН ҒАНИМАТ ДАМЛАР

**Пахтакорлар учун ҳал қилувчи палла бошланди. Август ойида гуллар кўсакларга айланади, илк кўсаклар йириклашиб, тўлишади. Бу эса, ҳосилга ҳосил қўшиладиган давр – августда парваришни бўшаштирмаслик керак дегани. Шу боис деҳқонлар ғўзани суғориш, культивация қилиш, ҳосилни зараркунанда ҳашарот ва касалликлардан асрашга жиддий эътибор қаратадилар.**

Бўкалик 460 фермер хўжалиги 15 минг гектар майдонда туман иқлимига мос, эртапишар С-65-24 ғўза навини чилпишни вақтида якунлади. Энди ниҳоллар шарбат усулида суғорилиб, озиқлантирилмоқда. Ҳозиргача уч марта барг орқали суспензия эритмаси билан озиқлантирилди.

Ғўза баргини сунъий тўкиш – йиғим-терим арафасидаги энг нозик тадбирлардан бири. Бунда эгатдаги намликдан тортиб, дефолиантларнинг ғўза навига таъсиригача бир-бирига боғлиқ.

– Бу тадбир ҳосилни тез ва сифатли йиғиштириб олишда муҳим аҳамиятга эга, – дейди Бўка тумани "Қишлоқхўжаликкимё" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Аслиддин Саъдуллаев. – Уни барвақт ҳам, кеч ҳам амалга ошириб бўлмайди. Асосий эътибор кўсакларнинг очилиш муддатига қаратилади.

Дефолмацияни тез ва сифатли бажариш мақсадида 22 та ишчи отряди ташкил этилиб, 39 пуркагич бириктирилди.



**СУРАТДА:** "Қишлоқхўжаликкимё" жамияти раҳбари Аслиддин Саъдуллаев (ўртада) ОВХ пуркагичларининг мавсумга шайлигини текширмоқда.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

**Пахтакорларимизнинг астойдил ҳаракатлари натижасида ғўзаларда кўз қувонадиган даражада ҳосил тўпланди. Эндиги энг муҳим агротехник тадбирлардан бири ғўза баргларини вақтида тўкиб, ҳосилнинг тезроқ пишиб етилишига шароит яратишдир. Бунинг учун мутахассис ва механизаторларимиз пухта ҳозирлик кўришди.**

## ДЕФОЛИАЦИЯГА ҲАММА НАРСА ТАХТ

Бу йил 15 минг 100 гектар майдоннинг 10500 гектаридаги ғўзалар дефолиация қилинади. Шу кунгача бош мутахассисларимиз 41 та ОВХ аппаратларини юз фоиз созлаб қўйишди. Аппаратлар ўрнатилган тракторлар ҳам тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Бу ғўза дефолиациясини 10 иш кунида якунлаш имконини беради. Бунинг учун ҳар бир агрегат билан бир иш кунида 25-30 гектарга сифатли ишлов берилади.

Жойларда етарли миқдорда дефолиант – хлорад-магний тайёрлаб қўйилди. Туманда дефолиация ишларини бир вақтнинг ўзида ўтказиш учун 13 та отряд иш олиб боради.

Яқинда агрегатларнинг мавсумга тайёрлигини синаб кўриш учун кўрик ўтказилди. Ҳасан Холиқулов созлаган агрегатнинг энг сифатли тайёрлангани қайд этилди. Шунингдек, Сирожиддин Тоиров, Тўлқин Қосимов, Сайфиддин Усмонов ва Илҳом Алматов бошқарадиган агрегатларнинг яхши созлангани таъкидлаб ўтилди.

Жойларда ғўза дефолиацияга тайёр бўлганини аниқловчи ҳудудий комиссиялар тузилди. Уларга туман ҳокимиятидан вакил ва маҳаллий бошчилар бириктирилди.

Шу кунларда ғўза дефолиациясини ўтказувчи агрегатларнинг қай даражада тайёргарлиги яна бир бор синаб кўрилмоқда. Мақсад – ғўза баргларини қисқа муддат ичида сифатли тўкишга эришиш.

**Анвар ОРТИҚОВ,**
**Оққўрғон туман "Қишлоқхўжаликкимё" корхонаси раҳбари.**

**Оққўрғон туманидаги "Роксалана барака оил" масъулияти чекланган жамиятида махсар ва кунгабоқардан ёғ олишга мўлжалланган янги лойиҳа рўёбга чиқарилмоқда.**

## ЛОЙИҲАГА ХОРИЖ САРМОЯСИ

Лойиҳани молиялаштиришга банк кредитидан ташқари 80 минг АҚШ долларилик тўғридан-тўғри хориж сармояси ҳам жалб этилди.

Айни пайтда ишлаб чиқаришда сифат ва унумдорликни таъминлаш мақсадида корхонага Россия давлатидан ёғ-мой саноатининг замонавий технологик ускуна ва жиҳозлари олиб келинди. Таъкидлаш лозимки, мазкур лойиҳа вилоятда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар самарасидир.

## ТАЪТИЛДА ҲУНАР ВА ДАРОМАД

Ёшларнинг ёзги таътилини мазмунли ва самарали ўтказиш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши анъанавий "Бунёдкор" меҳнат отрядларини ташкил этганидан хабарингиз бор. Ёшлар жамоалари вилоятимиз бунёдкорларига намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойлар қурилишида яқиндан кўмаклашаётир. Улар пудратчи ташкилотларга шартнома асосида кафолатланган иш ҳақи эвазига бириктирилган. Энг муҳими, бўш вақтини фойдали меҳнатга сарфлаётган ёшлар "устоз-шогирд" анъанаси асосида бинокорлик ҳунарини эгалламоқдалар.

**Алишер РАҲМАТОВ.**

# ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР МАМЛАКАТИ

**Ёшлар ижод саройида 12 август – Халқаро ёшлар кунига бағишланган кеча бўлиб ўтди.**

**"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, БМТнинг Аҳолишунослик фонди ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга турли танловлар, ижодий лойиҳалар, грант дастурлари ғолиблари таклиф этилди.**

Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш масаласига давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замон талаблари асосида барпо этилган таълим муассасалари, болалар ижодиёти марказлари, спорт мажмуалари ёшлар ижодий-интеллектуал савиясини юксалтириш, уларни руҳий ва жисмоний чиниқтиришга хизмат қилмоқда.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар ҳам ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, иқтидорини кашф этиш, фаолиятини кенг жамоатчиликка таништириш, истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Тадбирда йиғилганларга ушбу кенг кўламли лойиҳалар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Тадбирда турли соҳаларда муваффақиятларга эришаётган йигит-қизларга совғалар топширилди. Санъат усталари иштирокида концерт намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

## ТАДБИР





# ҲУШЁРЛИК ҲАМИША КЕРАК

**Қибрай тумани ҳокимлигида ўтган тадбирда маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг диний маърифий ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, таълим муассасалари раҳбарларининг маънавий-маърифий масалалар бўйича ўринбосарлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, имом хатиб ва кун тартибидаги масалага алоқадор бир қатор ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.**

Тадбирда таъкидланганидек, бугун дунё жамоатчилигини диний экстремизм, ақидапарастлик, миссионерлик, одам савдоси, геосиёсий вазият билан боғлиқ қатор муаммолар ташвишга солмоқда. Бундай иллатларга қарши курашда барча имкониятлар ишга солинаётганига қарамай, вазият тобора зиддиятлашмоқда ва бу одамларни янада ҳушёр бўлишга, ён-атрофимиздаги воқеа-ҳодисаларга беэътибор бўлмасликка ундайди.

Агар бугун дунёдаги молиявий айланмаларни юз фоиз деб ҳисобласак, унинг 4-5 фоизи турли экстремистик ва террористик ташкилотлар қўлида, деб таъкидланди тадбирда. Бу тахминан 3-5 миллиард доллар дегани. Шунча маблағ бузғунчилик, вайронкорлик ғояларини тарғиб қилиш ва амалга ошириш учун сарфланмоқда. Бугун дин ниқоби остида ҳаракат қилаётган ташкилотларнинг мақсади аслида диндорлар сафини кенгайтириш эмас, аксинча, миллатлар ва элатлар ўртасига раҳна солиш, уларни ўзаро келишмовчиликлар гирдобига ташлаб, шу орқали ҳокимиятни қўлга киритиш.



Узоққа бормай, қўшни Қирғизистон ва Тожикистондаги бугунги сиёсий вазият таҳлил этилса, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш учун нечоғлик имкониятлар ишга солинаётгани яққол намоён бўлади. Тожикистондаги ҳудудий мафияларнинг ўзаро зиддиятли талатўпларидан безиган икки ярим миллион тожиклар чет элларга чиқиб кетган. Қирғизистонда ҳам ҳукуматнинг ҳеч қандай таъсир кучига эга эмаслиги, олиб борилаётган сиёсатнинг халқ норозилигига сабаб бўлиши натижасида беш йилда иккита президент қочиб кетди.

Ён-атрофимизда бўлаётган бундай жараёнлар юртимизда ҳукм сураётган тинчликнинг қадрига етиш ва янада мустаҳкамлашга ундайди. Айниқса, ёшларимизни турли бузғунчи ғоялар ва қарашлардан асраш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда, айниқса, ўқув муассасалари мутасаддилари масъулиятни янада чуқурроқ ҳис этишлари лозим.

Бугун юртимизда мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллик тўйига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бундай пайтларда ғаразли мақсадларни кўзловчи ёвуз кучлар ҳаракатга келади. Ҳар жабҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳот ва ободончилик ишларини йўққа чиқаришга интилади.

БМТ ташкилоти 140 тадан иборат энг обод шаҳарлар рўйхатини эълон қилди. 58-ўринни азим пойтахтимиз – Тошкент банд этган.

Шундай экан, ўзини шу муқаддас ва обод юртнинг фарзанди деб ҳисоблайдиган фуқаро ҳар қадами ва нафасида барқарорлик, тўкин-сочинликнинг қадрига етиб, уни асрабавайлашга муносиб ҳисса қўшмоғи лозимлиги тадбирда яна бир бор таъкидланди.

Тадбир сўнгида "Даюснинг даъвоси" фильми намойиш этилди.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** тадбирдан лавҳалар.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

## ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

# МАВСУМДА МУАММОЛАР БЎЛМАЙДИ

**Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Тошкент вилояти Ангрен шаҳрида ҳам хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш, кўп қаватли уй-жойларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш, ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.**

**Бу борада ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурига кўра, коммунал хўжалик, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқа тегишли тармоқлар мутасаддилари зиммасига тизимдаги ишларни самарали йўлга қўйиш, истеъмолчиларга куз-қиш мавсумида узлуксиз ҳамда сифатли хизмат кўрсатиш масъулияти юкланган.**

Бу ҳақда Ангрен шаҳар ҳокими Абдулла Юнусов қуйидагиларни гапириб берди:

– Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари самарасида Ангрен ҳам жадал ривожланмоқда. Кенг ва равон йўллар, янги корхоналар, замонавий таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт мажмуалари шаҳар қиёфасини ўзгартирмоқда.

Шаҳримизда айни кунларда куз-қиш мавсумига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Шаҳар ҳокимлиги, мутасадди ташкилотлар, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси томонидан мавсумда иқтисодиёт объектларининг узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йили қишнинг совуқ келиши, узоқ давом этиши ва бундай шароитга етарли даражада тайёргарлик кўрилмагани оқибатида айрим муаммолар юзага келган эди. Ана шу камчилик ва нуқсонлардан хулоса чиқариб, жорий йилнинг бошиданоқ навбатдаги куз-қиш мавсумига ҳозирлик кўришга киришдик. Айни пайтда шаҳарда 978 кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, улар бешта сектор, 15 округга бўлинди. Шаҳарни куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича шаҳар ҳокимлигида мунтазам йиғилиш ўтказилиб, мавжуд муаммо ва камчиликлар бартараф этилмоқда.

Шаҳар ҳокимлиги вакиллари, тузилган округлар раҳбарлари, маҳалла фаоллари, ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ҳудудлардаги 986 кўп қаватли уйнинг ҳолати ўрганиб чиқилди. Уйларнинг томлари, подваллари, кириш йўлаклари ва уларнинг эшиклари, иситиш тизимлари текширилиб, зарур чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада кўп қаватли уйларнинг 9 минг метр квадратга яқин том қисмлари шифер ва профнастиллар билан таъмирланди. Айни кунгача 40 дан ортиқ уйнинг подваллари, 140 уйнинг кириш йўлаклари жорий таъмирдан чиқарилди. Уй йулакларига кириш эшиклари ўрнатилди.

Бу борадаги хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида "Бектемир-Маҳлиё", "Нуробод қурилиш инвест", "Ангрен Жасмина", "Дукент мусаффо осмон" каби сервис бошқарув компаниялари ташкил этилди. Улар шаҳар ижтимоий объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича ширкатлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Кўп қаватли уйларнинг ўз вақтида ва сифатли таъмирланишини таъминлаш мақсадида фуқаролар ва маҳалла фаолларидан иборат жамоатчилик комиссиялари тузилиб, улар амалга оширилаётган ишларнинг сифатини кузатиб бораётир.

Бугунги кунда шаҳримизда 109 ширкат фаолият кўрсатмоқда. Кўп қаватли уйларнинг куз-қиш мавсумига пухта тайёрланишига кўмаклашиш мақсадида ушбу ширкатларга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар берилмоқда. Айни пайтгача 57 миллон сўмликдан ортиқ ана шундай маблағ ажратилди ва бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Ангрен шаҳрида жойлашган 3 мактаб манзилли дастур асосида капитал таъмирдан чиқарилди. 9-мусиқа ва санъат мактаби Давлат дастури асосида реконструкция қилинмоқда. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, Тошкент вилояти давлат педагогика институтининг талабалар тураржойларида куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича штаблар фаолият олиб бормоқда.

Албатта, ҳар бир ишда ўзига яраша қийинчилик ва муаммолар учраб туради. Уларни бартараф этиш мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишни талаб этади. Бу пировардида яхши натижаларга олиб келади. 2012-2013 йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича Ангрен шаҳрида амалга оширилаётган ишлар ҳам шундан далолат беради.

**ЎзА мухбири Лутфулла СУВОНОВ ёзиб олди.**

# ИШОНЧЛИ ҲАМКОРГА МУНОСИБ РАҒБАТ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди эълон қилган грант танловларига тақдим этилган истиқболли лойиҳалар мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, аҳолининг ҳуқуқий онг ва маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.**



Мустақил оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, демократик ислоҳотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, аҳолининг тиббий, ҳуқуқий, экологик маданияти, маънавий тафаккурини оширишга йўналтирилган бу йилги танловга оммавий ахборот воситалари тақдим этган 166 та грант аризалардан 34 та лойиҳа танлаб олинди. Уларнинг 21 таси босма оммавий нашрларга тегишли бўлиб, 300 миллиондан кўпроқ маблағ ажратилди. Шунингдек, Мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини ривожлантириш жамоат фонди босма нашрлар электрон архиви жамланган "Олтин диск" дастурини тақдим этди. Электрон дастур соҳа ходимларининг касб маҳоратини оширишда ва газетхонларни зарур ахборотлар билан таништиришда кенг имконият ва афзалликларга эга.

Грант совриндорлари қаторида вилоятимиз нашри "Оҳангарон ҳаёти" – "Жизнь Ахангарана" газетаси ҳам бор. Газета мухбири Райҳон Салаеванинг "Аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг тиббий, ҳуқуқий билими ва маънавий тафаккурини оширишда матбуот – ишончли ҳамкор" лойиҳаси жамоат фондининг олий грантига сазовор бўлди.

– Мен учун Мустаҳкам оила йилидаги энг қувончли воқеа олий грантга эришганим бўлди, – дейди Райҳон Салаева. – Қимматбаҳо совриннинг масъулияти ҳам кучли бўлиши табиий. Энди уни оқлаш учун бор куч-қувватимни, лаёқатимни ишга солиб меҳнат қилишим керак. Яъни матбуот ишончли ҳамкор эканини аҳоли, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида мунтазам тушунтириб боришимиз лозим.

**Саида РАҲМОНОВА.**

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

## ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

**Чиноз туманидаги "Дониёр-Гулруҳ" хусусий корхонаси имконият ва имтиёзлардан фойдаланиб, фаолиятини кенгайтириб бормоқда.**

**Корхона 2008 йилда ташкил этилган бўлиб, дастлаб 3 киши эскирган мебель ва уй жиҳозларини таъмирлаш билан шуғулланарди. Бугунга келиб эса корхонада замонавий эшик-ромлар, мебель ва бошқа уй жиҳозлари ишлаб чиқарилмоқда.**



# МАҲСУЛОТИГА ХАРИДОР КЎП

– 2009 йилда "Ҳамкорбанк"дан 280 миллион 800 минг сўм кредит олиб, замонавий мебель ишлаб чиқариш технологияларини харид қилдик, – дейди тадбиркор Дилшод Ражаматов. – Ишчиларимиз ҳам 8 нафарга етди. Бугунга келиб кредитни тўла қайтардик.

Намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган уй-жойлар, мусиқа ва санъат мактабининг эшик-ромлари "Дониёр-Гулруҳ"да тайёрланган. Корхона маҳсулотларига талаб тобора кўпаймоқда. Нафақат туман, балки қўшни Сирдарё вилоятидаги қурилишлардан ҳам буюртмалар тушаяпти.

Бундан ташқари, "Итальян", "Виктория", "Елен" каби мебель турлари бежиримлиги ва сифати, энг асосийси ҳамёнбоплиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Корхонада ҳадемай алюмин ромлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган цех ишга тушади. Ҳозир сўнгги созлаш ишлари якунига етказилаяпти. Цех фаолият бошлагач, яна бир неча киши доимий иш ўрнига эга бўлади.

**Равшан НЕЪМАТОВ.**

**СУРАТДА:** (ўнгдан) корхона иш юритувчиси Сайфулла Тўйчиев ва уста Оғабек Юнусов.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВ

Юқори Чирчиқ туманидаги 31-ўрта умумтаълим мактабида Мустаҳкам оила йили ҳамда мустақилликнинг 21 йиллигига бағишлаб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, "Камолот" ЁИҲ, таълим, фан ва маданият ходимлари, Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмалари туман кенгаши ҳамкорлигида 1998-2000 йилларда туғилган ўғил болалар ўртасида волейбол мусобақаси ташкил этилди.

Қизғин ўтган мусобақада 1-ўрта умумтаълим мактаби ўқувчилари биринчи, 31 ва 9-мактаблар эса иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади.

Ғолиб жамоаларга ташкилотчи ва ҳомийларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

UZTELECOM

*Ҳурматли абонентлар, Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонлари!*

«Toshkent shahar telefon tarmog`i» филиали

телекоммуникация тармоғидан Тошкент шаҳридаги шошилинч ва маълумотлар хизматига чиқиш тартиби 101, 102, 103, 104, ..., 10хх рақамларини териш билан амалга оширилмоқда.

- «101» (ёнғин хавфсизлиги хизмати)
- «102» (милиция)
- «103» (тез ёрдам)
- «104» (газ хизмати)
- «1050» (қутқарув хизмати)
- «10хх» (бошқа хизматлар)

Қўшимча маълумотлар учун 200-31-31 ёки 1064 рақамига мурожаат қилинг.

## МАТБУОТ АНЖУМАНЛАРИ

# ОШКОРАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди "Демократик ислоҳотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан босма ОАВлари самарали ҳамкорлиги" мавзусида матбуот анжумани ўтказди.**

Тадбирда давлат идоралари ахборот хизматлари раҳбарлари ҳамда босма ва электрон оммавий ахборот воситалари муҳаррирлари иштирок этди.

Анжуманда таъкидландики, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим йўналиши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ошкоралигини таъминлаш, кенг жамоатчилик ва аҳолини Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар ҳақида тўла хабардор этишдан иборат. Бу вазифаларни ҳал қилишда нодавлат матбуот воситалари, радио, телевидение фаолиятини давлатимиз юритаётган ташқи ва ички сиёсат, фикрлар хилма-хиллиги, шунингдек, давлат идоралари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга.

Анжуманда оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига атрофлича жавоб берилди.

# УЛАР БОЖХОНА ТЎЛОВИДАН ОЗОД

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда "Республика истеъмол бозорини мактаб анжомларининг айрим турлари билан тўлдириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида" матбуот анжумани ташкил этди.**

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг "Республика истеъмол бозорини мактаб анжомларининг айрим турлари билан тўлдириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра 2010-2014 йилларда полиграфия фаолияти билан шуғулланаётган юридик шахслар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган мактаб дафтарлари, кундаликлар ҳамда расм альбомларини тайёрлашда фойдаланиладиган технологик ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва қоғозлар хом ашёсини Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича импорт қилишда божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилгани ёзув дафтарларини ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган тадбиркорлар учун давлатимиз яратиб берган катта имтиёзлардан бири сифатида эътироф этилди.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган матбаа корхоналари бугунги кунда ички бозорни дафтарлар билан тўлиқ таъминлаш қувватига эга. Матбаачилар олдида турган энг долзарб вазифа ёш авлодни миллий маънавиятимиз талабларига жавоб берадиган сифатли мактаб анжомлари билан таъминлашдир.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# ЛОНДОНДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ КЕЧАСИ

**ХХХ ёзги Олимпия ўйинлари ўтаётган Лондон шаҳрида мамлакатимиз олимпиячиларини шарафлашга бағишланган Ўзбекистон маданияти кечаси бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидаги элчихонаси кўмагида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва Миллий Олимпия қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олимпия терма жамоаси аъзолари, халқаро спорт ташкилотлари, маданият, санъат, спорт жамоатчилиги ҳамда ишбилармон доиралар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистоннинг қадимий ва бой маданияти, урф-одатлари, буюк тарихини ўзида акс эттирган фотокўргазма, "Фонд Форум представляет Узбекистан" китоб-фотоальбоми меҳмонлар эътиборига ҳавола этилди. Мамлакатимизнинг истеъдодли ёш санъаткорлари ижросидаги концерт ҳам тадбир иштирокчиларига манзур бўлди.

– Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан халқаро спорт турига айланган ўзбек халқининг миллий қадрияти – кураш орқали Ватанингиз тарихи, маданияти, урф-одатларидан яхши хабардорман, – деди Буюк Британия кураш ассоциацияси бош котиби Пол Сойер. – Тадбирда намойиш этилган фотокўргазма орқали юртингизга саёҳат қилгандек бўлдим. Менда Ўзбекистонга бориб, халқингиз қадриятлари билан янада яқинроқ танишиш истаги пайдо бўлди.

– Ўзбекистонлик олимпиячилар шарафига уюштирилган ушбу тадбир биз, спортчиларга жуда манзур бўлди, – дейди бокс бўйича жаҳон чемпионатлари совриндори Элшод Расулов. – Бундай тадбирлар спортчиларни яхши ҳордиқ чиқаришини таъминлаш билан бирга ғалабаларга илҳомлантиради.

**ЎзА.**

## ХХI аср ва ДУНЁ

### ЙИРИК НАРКОБАРОН ҚЎЛГА ТУШДИ

**Колумбия полицияси мамлакатнинг қидирувда бўлган наркобаронларидан бири, Oficina de Envigado наркокартели бошлиғи Эриксон "Себастьян" Варгасни ҳибсга олгани ҳақида хабар тарқатди AFP агентлиги.**



Мамлакат президенти Хуан Мануэль Сантос Варгаснинг қўлга туширилганини "жиноятчиликка улкан зарба" деб баҳолади ва наркобаронни яқин вақт ичида АҚШга экстрадиция қилишга сўз берди. Полиция Варгас билан бирга картелнинг яна бир неча аъзоси ҳибсга олингани, бир жиноятчи эса ўлдирилганини маълум қилди.

Варгас Oficina de Envigado етакчилигини 2011 йил ноябрда ўз қўлига олган эди. Аввалги етакчи, "Валенсиано" лақаби билан машҳур бўлган Максимилиано Ораско айнан ўшанда ҳибсга олинганди.

BBC News нинг таъкидлашича, Oficina de Envigado картели колумбиялик наркобарон Пабло Эскобар томонидан тузилган бўлиб, унинг дастлабки мақсади Эскобар бошқарган Меделин картели фойдасига қарзларни ундириш эди. 1993 йилда Эскобар ўлдирилгач, Oficina de Envigado фаолиятини янада кенгайтириб, гиёҳвандлик моддаларини ташиш, таъмагирлик ва пулларни ўзлаштириш билан ҳам шуғуллана бошлади.

### ЎН УЧ КИШИ ПОРТЛАШ ҚУРБОНИ

**AFP агентлиги тарқатган хабарда келтирилишича, Ироқда автомобиль портлаши оқибатида камида 13 киши ҳаётдан кўз юмди.**

Таъкидланишича, ушбу террорчилик акти мусулмон-шиидларга қарши қаратилган ва улар жамоа бўлиб ибодат қилишга тўпланган пайтларида содир этилди. Қурбонлардан ташқари 30 га яқин киши жароҳат олди.

Илгарироқ ҳам 8 киши ўлдирилган эди. Маълум қилинишича, қуролли жангарилар Байжи шаҳрида бир адвокатни ва етти кишидан иборат оила аъзоларини отиб ташлашган эди. AFP эслатадики, Ироқда бундай зўравонликнинг янги хуружи "Ал-Қоида"га алоқадор "Ироқ ислом давлати" гуруҳи мамлакат раҳбарларига қарши "янги ҳарбий кампания" эълон қилинганидан сўнг бошланди.

Гуруҳ жангарилари асосан судья ва прокурорларни нишонга олиш ҳамда ўз маслакдошларига турмадан қочишга ёрдам беришни ваъда қилдилар. Тиббий манбалардаги маълумотларга қараганда, августнинг бошидан буён 90 киши ўлдирилди. Уларнинг 47 нафари хавфсизлик хизмати ходимлари эди.

### ТЎФОН КУЧЛИ ЖАЛА ЧАҚИРДИ

**Хитой ҳукумати мамлакат шарқида хуруж қилган кучли "Хайкуй" тўфони натижасида икки миллион аҳолини хавфсиз жойга кўчиришга мажбур бўлди.**

"Синьхуа" агентлигининг ёзишича, бу йилги ўн биринчи ва шу ҳафтадаги учинчи кучли тўфон тинимсиз жала ёғишига сабаб бўлиб, шарқий Чжэнцзян вилоятида сув тошқини юз берди. Шамолнинг тезлиги сонияда 40 дақиқадан ошди. Ҳукумат 1,5 миллион кишини олдиндан кўчиришга улгурди. Вилоятда поездлар ҳаракати тўхтатилди, Ханчжоудаги халқаро "Сяошан" аэропорти ёпилди. Қўшни Шанхай шаҳридан ҳам қарийб 400 минг аҳолини кўчиришга тўғри келди. Тўфон чақирган жала тун бўйи тинимсиз ёғиб, айрим жойларда ёғин 130 миллиметрга етди. Шанхайнинг "Хунцяо" ва "Пудун" аэропортлари, Шанхай-Ханчжоу темир йўл тармоғи ёпилди. Reutersнинг хабарига кўра, Шанхай портига кемаларнинг кириши ва чиқиши тақиқланди.

Ушбу тўфон аввал Филиппинга "ҳужум" қилиб, қарийб 300 минг аҳолини уйларини ташлаб кетишга мажбур қилган ва 23 кишининг ҳаётига зомин бўлган эди.

### ЭКОТЕРРОРЧИ ҚИДИРУВДА

**Интерпол Sea Shepherd халқаро денгиз ҳайвонларини ҳимоя қилиш жамияти асосчиси, аввалроқ Германияда ҳибсга олинган ва кейин мамлакатдан қочган Пол Уотсонга нисбатан "қизил хабар қоғози" ёзиб тарқатди.**

Ташкилот сайтида маълум қилинадики, "қизил хабар қоғози" Интерпол иштирокчилари бўлган мамлакатларга қидирилаётган шахсни ушлашга рухсат беради, аммо мажбур қилмайди. Пол Уотсон 13 майда Франкфуртдан Францияга учиб кетмоқчи бўлганда қўлга олинганди. Бунга Коста-Рика ҳукумати берган ордер асос бўлди. Гап шундаки, Уотсон 250 минг евро эвазига озодликда қолдирилган ва икки кунда бир марта полиция маҳкамасига кўриниб туриши керак эди. 22 июль куни у маҳкамага келмади. Аниқланишича, у шартни бузиб, Германияни тарк этибди. Аммо, қаёққа кетгани номаълум.

Коста-Рика ҳукумати жамият асосчисини 2002 йилда маҳаллий ов кемасига ҳужум қилганликда айбламоқда. Уотсон эса, шунчаки, акулаларни ноқонуний овлаётган браконьерларга тўсиқ қўймоқчи бўлганман демоқда.

Жамият сайтидаги матнда Япония ҳам Уотсонни ўзларига беришни талаб қилиши мумкин дейилган. Кунчиқар юрт уни кит овловчилар ишига халақит берганликда айбламоқда.




### ТУРМАДАН ҚОПДА ҚОЧМОҚЧИ БЎЛИШДИ



**Бразилиянинг жанубидаги Deligacia de Gurtos турмасининг икки маҳбуси ахлат солишга мўлжалланган пластик қопга яшириниб қочишга уринишди-ю, аммо эплашолмади, деб ёзади Terra онлайн-нашр.**

Полициядан маълум қилишларича, 24 ёшли Сидни да Круз ва 18 ёшли Карлос Барбоса турмадаги тушликдан сўнг қандайдир йўл билан чиқинди қопларига тушиб олишди. Ахлатхона ёнидан ўтиб бораётган қоровул катта коплардан бири қимирлаётганини кўриб қолди. Полициячи эмасми, зийракликни унутмай, қочоқларни фош этди. Полиция уларни тутиб, қамоқ муддатларини узайтирди.

Маҳаллий полиция бошлиғининг айтишича, турмадан қочишга уринишлар доим бўлиб туради. Бу ерда машина олиб қочувчи ва майда ўғрилар сақланиши боис турма маҳбуслар билан тўлиб-тошган. The Daily Telegraph газетасининг ёзишича, ўғри йигитларнинг бу юпқагина қопчалар уларнинг вазнини кўтара олмаслиги ва айниқса, ҳушёр полициячиларнинг ахлат қопчаларнинг ғайриодатий оғирлашиб кетганига албатта эътибор беришларига ақллари етмаганига полиция раҳбарининг ўзи ҳам ҳайрон.

**Британия фермерлари мол-мулкларини ўғрилардан лама (Жанубий Америка туяси) қўриқлаши мумкинлигига умид боғламоқдалар, деб ёзади Th Daily Telegraph газетаси NFU Mutual суғурта жамияти тадқиқотларига таяниб.**

### ҚЎРИҚЧИ ИТ ЎРНИДА – ЛАМА



Инглиз фермерлари америкалик ҳамкасбларидан ўрнак олишга қарор қилдилар. Чунки, АҚШ фермерлари қўйларини кўпдан бери койотлар ҳужумидан ламалар қўриқлаяпти. Лама у қадар баланд эмас (бўйи 120 сантиметрга боради), бироқ жуда тажовузкор. Бундан ташқари уларнинг ўткир сўйлоқ тишлари ҳам бор.

Газетанинг маълумотларига кўра, Буюк Британия қишлоқларидаги бултурги ўғриликлар қарийб 53 миллион фунт стерлинг (тахминан 82 миллион доллар)га тушди. Умуман, ўғриликнинг ўзи 6 фоиз ўсди. NFU Mutual тадқиқотлари кўрсатдики, ўғриларни кимёвий ўғит ҳам қизиқтираяпти. Унинг нархи баъзан 600 фунт (минг доллар)га чиқиб кетади.

Ламалар бундан бир неча минг йиллар илгари Жанубий Америкалик ҳиндулар саъй-ҳаракати билан хонакилаштирилган. Бу сут эмизувчилар туялар оиласига мансуб, аммо фарқ шундаки, уларнинг ўркачи йўқ.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## ТАНЛОВ

# ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН

**Юқори Чирчиқ туманидаги Янгибозор маданият уйида туман хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши "Фаол аёллар" қаноти, "Камолот" ЁИҲ, бандликка кўмаклашиш маркази, маданият ва спорт ишлари, ҳунармандлар уюшмаси бўлимлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида "Дўппи тикдим ипаклари тиллодан" кўрик-танлови ўтказилди.**

Умуммиллий қадриятларимизни ёшлар онгига сингдириш, бой тарихий меросимизга муҳаббат уйғотиш, устоз-шогирд анъаналари орқали каштадўзлик-дўппидўзлик ҳунарини тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган танловда сиёсий партиялар ва ҳунармандлар уюшмаси аъзолари ўзаро беллашишди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси Нодира Солиева фахрли биринчи ўринни эгаллаб, вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритди. Иштирокчиларга ташкилотчи ва ҳомийларнинг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

## ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

# БАХТ НИМАДИР, ОНАЖОН?!

Туни тугаб бораётган ой яримта нондек бўлиб қолган. Қувлашмачоқ ўйнаётган булутлар навбатма-навбат унинг юзини тўсиб ўтади. Гўё ой ерга ўғринча қараяпти-ю, биров кўриб қоладигандек, юзини рўмоли билан беркитади.

Қўшни хонадан эшитилаётган бола йиғиси Мунисанинг уйқусини бузди. Аста бош кўтариб, бир зум қулоқ солди. Она кўкрак берди, бола ғашлик қилиб тинчланди. У тўзғиган сочларини тўғрилаган бўлиб, ёстиққа бош қўйди, кўзларини юмди. Уйқу келмади. Хаёллари ухлашга қўймади. Қўлларидан ушлаб ўтмиши сари етаклади...

Мунисанинг университетни тугатиб, ишга жойлашган пайтлари. Совчилар қадди-қомати келишган, ҳусну одобда тенгсиз, бозори чаққон қизнинг эшигини бузаётган эди. Харидор қанча кўп бўлса сотувчи шунча инжиқ, нозли бўлганидек, ўзига тўқ бу оиланинг соҳибаси ҳам келган совчиларни ноумид қайтарарди. Қайтган совчилар орасида Бахтиёрнинг ҳам вакиллари бор эди.

Бахтиёр билан Муниса ўн бир йил бир синфда ўқиган, бирон марта очиқ-ойдин изҳори дил қилмаган бўлсада, кўзлар тўқнашганда бу сирни очар, қизнинг юзлари қизариб, баданида алланечук орзиқиш, титроқ пайдо бўлар, лабига табассум югуриб, кўзларини олиб қочарди.

Иккинчи бор келганида ҳам элчиларга мойиллик жавоби берилмади. Отасининг: "Қизингни ёши ўтаяпти. Шуларга розилик берсанг бўларди. Тенги чиқса текинга бер, дейишган. Яхши оила эди" деганига онаси: "Булар бизнинг тенгимиз эмас. Йигитнинг тайинли иши йўқ экан. Деҳқон эмиш. Қизимни беш йил саратонда кетмон чопиш учун ўқитганмизми?!" деди.

Қайси қиз ота-онасига шу болага беринглар, шунга тегаман дея олганки, Муниса ҳам шундай деса. У кутарди. Балки яна бир бор келса, онам фикрини ўзгартирар, қизи борни нози бор, дейишадику...

Қизи борнинг нози бўлса, ўғли борнинг ғурури бор. Бахтиёрнинг совчилари бошқа келмади. Ўн кунлардан кейин Муниса Бахтиёрнинг фотиҳаси бўлгани, ой охирида тўйи эканини эшитди. Қўлидан келгани тонггача кўзёши тўкиш бўлди.

Кейинги келган совчилар ҳам қайтарилди. Онаси кутганидек, уларнинг "тенги" бўлган бекаму кўст куёв топилмади. Орадан йиллар ўтиб, совчилардан безор бўлган бу эшикни энди биров қоқмай қўйди.

У тенгилар бешик олиб, суннат тўйи қилаяпти. Кеча ҳам бир дугонаси тўйга айтиб келибди. Кўзларида чақин, юзида қувонч. У бундай ҳолатни ўзидан анча ёш кичик келинида ҳам кўрган. Муниса унинг олдида минг хижолат, истиҳолада юради. Ҳар куни ишга кетаётганида кўзгу олдида бир муддат туриб қолади. Кўзгуда бу ҳолатлар акси намоён. Маъюслик, сўлғинлик, ҳорғинлик... Яхшиям шу иши бор экан, бироз чалғиган бўлади.

"Ноз қилиб ўтиравермай турмушга чиқсанг – аёллик бахти, оналик бахти, ҳақиқий бахтни ҳис қиласан", дер эди дугонаси.

У ҳар куни жиянини ўйнатади, бағрига босиб эркалайди. Аммо у ҳеч қачон бундай туйғуларни туймаган.

Нима экан аёллик бахти? Оналик бахти? Қандай экан ҳақиқий бахт? Тўққиз ой танангда бир вужудни кўтариб юришми? Минг азобда, ўлим билан олишиб, инсонни дунёга келтиришми? Кечалари уйқудан, ҳузуру ҳаловатдан кечиб, тонггача бедор бўлишми? Иштонча ва кўйлакчаларни ювишми? Шунча қилган хизматинг эвазига болангни кўтарганингда жажжи қўллари билан юзингни аста силаб қиқир-қиқир кулиб қўйишими? Нима у бахт? Қандай у..?

Мунисанинг бу саволларини яна бола йиғиси тўхтатди. Она кўкрак бердими, бешикни тебратдими, бола жимиб қолди. Мунисанинг кўзларидан беихтиёр ёш юмалади. У шу тобда бу бахтни билиш учун, уни бир бор ҳис қилиш учун қолган умрини беришга тайёр эди.

Ташқарида табиат ҳам Мунисанинг изтиробларига шерик бўлгандек, томчи-томчи ёшларини тўкарди.

**Нурилла СУННАТОВ.**

## BOLALIK BOG`I



# ARMONLI ORZU

To`qayga yaqin joydagi bir uyda egasi bilan birga o`rdak ham yashardi. Uy sohibi unga yotoq joy, hovuz, sayr qilish maydonchasi qurib bergandi. Bir kuni bolalarini sayr qildirib yurib, osmonda uchib borayotgan o`rdaklarni ko`rdi-yu, ko`zlari chaqnab, hayqirib yubordi:

– Osmonga qaranglar, bolajonlarim! Ko`rayapsanlarmi? Qardoshlarimiz uzoq-uzoq o`lkalarga safar qilishipti.

– Oyi, qardoshlarimiz deganingiz kim?

– Ana qara, uchib ketayotgan o`rdaklarni aytayapman.

– Iye, bizlar ham ucha olamizmi?

– Albatta uchasizlar.

– Qanaqasiga?

– Agar astoydil mashq qilsalaring, albatta, uchasizlar, orzularing ushaladi...

O`rdak bolalari onasining gapini eshitishdi-yu, halovatlari yo`qoldi. Osmonga parvoz qilish haqida o`ylab, orzu qila boshlashdi. Yursalar ham, tursalar ham orzu qilaverdilar.

Shunday kunlarning birida nihoyat bir qarorga keldilar, qanotlarini keng yoyib, shunday yugurdilarki, natijada hovlidan chiqib ketib, tashqariga yiqilishdi. Afsuski, o`sha atrofda ozuqa izlab, daydib yurgan tulki o`rdaklarni ko`rdi-yu, jon holatda tashlandi. Armonli orzular og`ushida yurgan o`rdakchalar tulki o`ljasiga aylandilar.

... Yana yillar o`tdi. Ona o`rdak yana ko`plab o`rdakchalarni dunyoga keltirdi. Ammo har safar uchayotgan o`rdaklarni ko`rib, qiziqsinib so`ragan bolalariga shu gapni takrorlardi:

– Bolalarim, uchishni istasangiz, oldin atrofni yaxshilab kuzatib oling! Bo`lmasa, ashaddiy dushmanimiz tulkining orzusi ushalib qolishi turgan gap.

**Ne'matulla QOSIMOV.**

## ЛУҚМА

# ЛИЦЕНЗИЯНГИЗ БОРМИ, ЙЎЛОВЧИ?

Шошилинч "Уч қаҳрамон"га боришим керак бўлиб қолди. Келесдан йўналишли таксига ўтирмоқчи бўлиб бекатда турган "Газель" автомашинасининг орқасидан айланиб ўтаётганимда, огоҳлантирувчи ёзувга кўзим тушди: "Лицензиясиз йўловчиларни ташиш қонунга хилоф!"

Оббо, буёғи қанчадан тушди, дедим-у, таваккал қилиб, ҳайдовчига ялиндим:

– Оғайни, лицензиям йўқ эди. Лекин "Уч қаҳрамон"га тезда етиб бормасам бўлмайди. Илтимос, олиб кетинг!

Ҳайдовчи аввалига ажабланиб қараб турди. Кейин тушунгандек:

– Майли, фақат шу сафар,– деди-ю, негадир тескари қараб кулиб қўйди.

Машинада ўтирган икки йигит бир-бирларига ниманидир пичирлашиб, кулишиб олишди. Чап томонда ўтирган йигит ҳам уларнинг кулгисига қўшилди. Кейин кўрсаткич бармоғини чаккасига тираб бурадида, яна кулди. Мен гап нимадалигини англаб етгунимча, машина жойидан қўзғалди.

Йўл-йўлакай машинамизни қувиб ўтаётган бошқа таксиларнинг орқа тарафига ҳам юқоридагидек огоҳлантириш муҳрлаб қўйилганини кўриб яна ҳайрон бўлдим. Наҳотки, энди йўловчилар учун ҳам лицензия керак бўлса? Ҳали орқага қайтишда яна кимга ялинаман?! Ишқилиб, автобусларда лицензия талаб қилишмасмикин?..

Қайтишда автобусма-автобус юриб, ҳарқалай, Келесга беминнат етиб келдим. Ишларим битди. Энди хотиржам фикр юритсам бўлади.

Чиндан ҳам йўловчиларда лицензия бўлиш керакми ёки бу таксиларни тартибга солувчи акахонларнинг навбатдаги ҳазилими? Ёки тилимизнинг бағоят бойлиги ҳосиласимикин?

Балки юқоридаги жумлани "Йўловчиларга лицензиясиз хизмат кўрсатиш..." деб ўзгартирган маъқулдир?! Ёки менинг тил бойлигим шунчалик қашшоқлашиб қолдими?

Сиз нима дейсиз?

**Ҳикматулла МАҲКАМОВ.**

## РАССОМ ХАНДАСИ




caricatura.ru

## БИЛАСИЗМИ?

### Яшартирувчи шоколад

**Буюк Британиянинг Кембриж университети биокимёгарлари яшартирувчи шоколад рецептини ишлаб чиқди. Хабарларга қараганда, "Coco-Lycosome" номли янги турдаги ингредиент қўшилган ушбу шоколадни истеъмол қилган одамда кексайиш жараёни анча сусаяди.**

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу ширинлик таркибидаги какао инсон қони ва терисини флаванол кислороди билан таъминлайди. Янги ингредиент эса организмнинг флаванолни сўриб олиш хусусиятини йигирма фоизга оширади.

Яқин кунларда ушбу шифобахш шоколадни жаҳон бозорига чиқариш режалаштирилмоқда.

### Ўғилдан дарак йўқ!

**Ҳиндистонлик Каилаш Сингх 38 йилдан буён чўмилмайди. Маълумотларга қараганда, ҳаво ҳарорати ўртача 47 даража иссиқни ташкил этадиган Варанаси шаҳрида истиқомат қилувчи бу одамнинг танаси 1974 йилдан буён сув кўрмаган.**

Унинг соқоли қарийб икки метрни ташкил этади. Каилашнинг айтишича, узоқ йиллар аввал унга бир авлиё ўғил фарзанд кўриш учун чўмилмаслик ва ҳар кеча олов атрофида рақс тушиш лозимлигини уқтирган экан. Етти нафар қизнинг отаси ўшандан бери роҳибнинг айтган гапидан чиқмайди. Бироқ ҳануз ўғилдан дарак йўқ.

**ЎзА.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Равшан ЁҚУБЖОНОВ
Навбатчи Ирода НОРБОЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-842. Адади 7012. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.00. 12345